





фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"...

Ўзбекистон Республикасининг 1980 йил 12 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми "Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида" чиқарган Фармони тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Водомостлари, 1980 йил, №32, 540-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1984 йил 1 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг бўзи қонун ақтларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Водомостлари, 1984 йил, №7, 107-модда) IV бўлими; Ўзбекистон Республикасининг 1984 йил 28 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг бўзи бир қонун ақтларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Водомостлари, 1984 йил, №19, 281-модда) учинчи хатбоши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 30 август.

24

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида

"Жалқ сўзи" — «Народное слово»

2001 йил

Киркиш чизиғи

маданий мерос объектларидан текин фойдаланиш шартномаси ёки ижара мuddати ўтганидан кейин фойдаланувчи фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воуч кечганда;

фойдаланувчи-жисмоний шахс вафот этганда; фойдаланувчи-юридик шахс туғатилганда; маданий мерос объектга фойдаланувчи қасдан зарар етказганда;

маданий мерос объекти жойлашган ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда.

Маданий мерос объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам бекор қилиниши мумкин.

VI. АЛОХИДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИГАН ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ХУДУДЛАР

29-модда. Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий хуудларнинг тартибни таъминлаш Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилган алоҳида тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган маданий мерос объектлари хуудда алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий хуудлар ташкил этилиши мумкин.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий хуудлар тарихий-маданий қўриқхоналар, музей-қўриқхоналар, тарихий манзилгоҳлар кўринишида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ташкил этилади.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий хуудлар ташкил этиш тартибни ҳамда уларни сақлаш тартибни Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Тарихий-маданий қўриқхоналар Дикҳатга сазовор жой ёки унинг бир қисми ҳамда

18

Буклаш чизиғи

сидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Миллий архив фондида турган маданий мерос ҳужжатли объектларини ўзига берилган ваколатлар доирасида муҳофаза олиниши, муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланилиши амалга оширади.

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида ўз хуудларида жойлашган маданий мерос объектларини аниқлайдилар ҳамда уларни муҳофаза оладилар, муҳофаза қилдилар, асрадилар ва улардан фойдаландилар, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайдилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларини маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш тадбирларини ўтказишга жалб этидилар.

III. МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

10-модда. Маданий мерос объектларининг давлат томонидан муҳофаза қилиниши таъминлаш

Маданий мерос объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш бу маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар томонидан қўриладиган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий, ахборотга доир, моддий-техникавий ва бошқа

7

Киркиш чизиғи

даланувчиларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Маданий мерос ёдгорликларини фойдаланишга беришдан, хизматлар кўрсатишдан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳамда хайриятларидан тушган маблағлар маданий мерос ёдгорликларини муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб қилишга ҳамда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда банд бўлган ходимларни моддий рағбатлантириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сарфланади.

35-модда. Низолатлар ҳал этиш Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари юзасида кели чиқадиган низолат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

36-модда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 30 август.

22

Буклаш чизиғи

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

маданий мерос объектлари — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ёдгорликлар, ансамбллар ва диққатга сазовор жойлар; ёдгорликлар — айрим иморатлар, бинолар ва иншоотлар, уларга тааллуқли рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати асарлари ҳамда шу иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг тарихан таркиб қабрлар, монументал санъат асарлари, фан ва техника (шу жумладан ҳарбий техника) объектлари, ҳалқ оғзаки ижоди, нумизматика, эпиграфика намуналари, антропология, этнография, картография, фотография материаллари, кинофильмлар, овозли-тасвирий ёзувлар ҳамда бошқа жисмлардаги ёзувлар, адабиёт ва санъат асарлари, архив, кўл ёзма ва чизма ҳужжатлар, қадимги кўл ёзма китоблар, ҳарф териш усулида чиқарилган дастлабки китоблар, нодир ва нобб нашрлар, ноталар, муқаддас буюмлар ва мемориал хусусиятга эга бўлган ашёлар, тош ҳайкаллар, қояга ўйиб солинган тасвирлар, шунингдек тарихий, илмий, бадиий ва ўзгача маданий қимматга эга бўлган археология ёдгорликлари;

ансамбллар — тарихан таркиб топган хуудда аниқ кўзга ташланадиган истеҳком, дин, сарой, тузар жойга оид, ижтимоий, маъмурий, савдо, ишлаб чиқариш, илмий, маърифий ва бошқа аҳамиятга молик алоҳида турган ёки бириккан ёдгорликлар, бинолар ва иншоотлар гуруҳлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган, табиат манзараси билан умумийлиги ёки алоқадорлиги тарихий, археологик, меъморий, эстетик ёки ижтимоий-маданий қимматга эга бўлган рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, меъморчилик асарлари билан биргаликда, шунинг-

3

Киркиш чизиғи

ри давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин эмас.

24-модда. Маданий мерос объектларидан фойдаланиш

Маданий мерос объектларининг мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар: маданий мерос объектининг ташқи ва ички қўриқлигини маданий мерос объектининг паспортга киритилган муҳофаза мазмуни маълумотларига мувофиқ ҳолда сақлаш;

маданий мерос объекти хуудунинг чегараларида ер қазих, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, ҳужали ишлари ва бошқа ишларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазириликнинг рўхсатномасини олиш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий хуудларни сақлаб туриш тартибларини таъминлаш; маданий мерос объектининг мулкдори томонидан белгиланган шартлардаги маданий мерос объектининг ҳамма учун очиклиги талабларини албатта бажарган ҳолда уларнинг асралишини таъминлашга мажбурдирлар.

25-модда. Маданий мерос объектларини фойдаланиш ҳуқуқларининг чекланиши

Маданий мерос объектларидан фойдаланиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик томонидан маъмур маданий мерос объектининг, унинг теварак атрофидаги табиий муҳитнинг муҳофаза қилиниши, асралиши, тарғиб қилиниши ва ундан фойдаланилиши учун, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада чекланиши мумкин.

Хусусий мулкда турган маданий мерос объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи қонунда назарда тутилган ҳолларда суд қарори билан чекланиши мумкин.

16

Буклаш чизиғи

маданий мерос объектларининг миқдор ва сифат таъминлигини муҳофаза қилиш;

маданий мерос объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш;

кадастр ахборотини тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;

маданий мерос объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузиш;

Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;

фойдаланувчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кадастр ахбороти билан таъминлаш.

Маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси томонидан белгиланади.

12-модда. Маданий мерос объектини Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш

Тарихий-маданий қимматга эга бўлган объектларни Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифлари асосида амалга оширилади.

Тарихий-маданий қимматга эга бўлган объектларни Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш мақсада мувофиқлиги тўғрисида тарихий-маданий экспертиза ҳулосаси олинган кундан эътиборан маъмур объектлар аниқланган маданий мерос объектлари жумласига киритилади.

Археология ёдгорликлари топилиши билан оқ аниқланган маданий мерос объектлари жумласига киритилади.

Тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган янги аниқланган объектлар Маданий мерос объектларининг тифасини аниқлаш; маданий мерос объектининг тифасини ўзгартирилишини асослаш;

маданий мерос объектини Маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқариш;

маданий мерос объектлари муҳофаза теғралари лойиҳаларининг шахарсозлик ва лойиҳалаш ҳужжатларига, шунингдек мўлжалланганда ер тузиш, қурилиш, мелиорация, ҳужалик ишлари ва бошқа ишларнинг маданий мерос объектларини асраш талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида ўтказилади.

Тарихий-маданий экспертиза Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик томонидан ташкил этилади ва амалга оширилади.

16-модда. Тарихий-маданий экспертиза объектлари

Қуйидагилар тарихий-маданий экспертиза объектлари ҳисобланади:

ҳужалик жиҳатидан ўзлаштирилиши лозим бўлган ер участкалари, агар уларда маданий мерос объектлари жойлашган бўлса;

маданий мерос объектлари Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилишини асословчи материаллар;

маданий мерос объектлари Маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқарилишини асословчи материаллар;

маданий мерос объектининг тифасини ўзгартирилишини асословчи материаллар;

ушбу Қонунда белгиланган ҳолларда шахарсозлик ва лойиҳа ҳужжатлари;

маданий мерос объектларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ер тузиш, ер қазих, қурилиш, мелиорация, ҳужалик ишлари ва бошқа ишларни асословчи ҳужжатлар.

17-модда. Маданий мерос объектлари

11

Киркиш чизиғи

маданий мерос объектлари жойлашган манзилгоҳлар тушунилади.

Тарихий манзилгоҳда жойлашган ва шахарнинг муайян бўлаги сифатида тарихий қимматга эга бўлган барча объектлар: режавий тарх, иморат, композиция, табиий ландшафт, археологик қатлам, шахардаги турли (бўш турган, иморатлар қурилган, қўқаламзорлаштирилган) майдонларнинг ўзаро нисбатини, катта-кичик ёки узун-қиска кўринишлари, шахар қурилишининг бўлак-бўлак ва хароба ҳолидаги осори атқалари, саҳни, маҳобати, тузилиши, усули, материаллари, ранги ва манзарали элементлари билан ажралиб турадиган бинолар, иншоотларнинг шакли ва ташқи қиёфаси муҳофаза қилиниши керак.

Тарихий манзилгоҳдаги табиий таркиб топган ва инсон қўли билан яратилган манзаралар уйғунлиги, тарихий манзилгоҳ тараққийёти даврида унга хос бўлиб қолган турли жиҳатлар, шунингдек бошқа қимматли элементлар сақлаб қоллиниши керак.

33-модда. Тарихий манзилгоҳда шахарсозлик, ҳужалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг тартибга солиниши

Тарихий манзилгоҳ хуудни доирасида шахарсозлик, ҳужалик фаолияти ва бошқа фаолият маданий мерос объектлари ва маъмур манзилгоҳнинг бошқа қимматли хусусиятларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилиши лозим.

Маданий мерос объектларини, шунингдек тарихий-маданий ёки табиий қимматга эга бўлган бошқа объектларни сақлаб қолиш мақсадида тарихий манзилгоҳларда қонун ҳужжатларига мувофиқ шахарсозлик фаолиятини тартибга солиниши алоҳида тартиб белгилаб қўйилади.

Тарихий манзилгоҳларда шахарсозлик фаолиятини тартибга солиниши алоҳида тартиб маданий

20

Буклаш чизиғи

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси: маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурларини тасдиқлайди;

Маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш тартибни белгилайди;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиниши, асралиши ва улардан фойдаланилиши устида давлат назоратини амалга ошириш тартибни белгилайди;

республика аҳамиятидаги маданий мерос объектларининг, шу жумладан Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган объектларнинг хуудлари ва муҳофаза теғраларидан фойдаланиш тартибларини тасдиқлайди;

тарихий-маданий қўриқхоналарни, музей-қўриқхоналарни ва тарихий манзилгоҳларни тузиш тартибни ва сақлаш тартибларини белгилайди;

маданий мерос объектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш тартибни белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

5

Киркиш чизиғи

тини аниқлаш ҳамда сақлаб қолиш ва унинг асралишини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган тадқиқот, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Маданий мерос объектини ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш — маданий мерос объектининг тарихий-бадиий қимматини ва асралишини ўзгартирмасдан унинг тарихий-маданий қимматга эга бўлган элементларини таъмирлаш асосида ундан ҳозирги замонда фойдаланишга шарт-шароит яратиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқот, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Маданий мерос объектини асрашга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик берадиган рўхсатнома асосида амалга оширилади.

21-модда. Йўқотилган маданий мерос объектини аслига қайтартириш

Йўқотилган маданий мерос объекти алоҳида тарихий, илмий, бадиий, шахарсозлик ёки ўзгача ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ҳолларда йўқотилган маданий мерос объекти таъмирлаш усуллари орқали аслига қайтарилди.

Йўқотилган маданий мерос объектини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аслига қайтартириш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазириликнинг тарихий-маданий экспертиза ҳулосаси асосидаги тақдимномасига биноан манфаатдор органлар ва ташкилотларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси қабул қилади.

22-модда. Археология ёдгорликларини тадқиқ этиш

Археология ёдгорликларини тадқиқ этиш (қазих ва қидириш)га Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик берадиган рўхсатномалар мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

14

Буклаш чизиғи

ларни тайيار-тай ювди.

— Исмом Санобар, фамилиям Гофурова, — деди сочларига оқ оралаган онадон. — Бугун меннинг энг бахтли куним бўлди.

Ўйкуси тулларин орта қолди. Ўйкуси тулларини Собиржоннинг гуноҳидан ўтган Юртбошимизни, элу юртин бил бир умр дуо қилиб яшайман. Бу бир умрнинг галлини эшитдингиз: у энди сира-сира бу ерларга қайтиб келмаймиз...

Учрашув тугагач, қамқоҳона дарвозалари ланг очилди. Ана шунда кишини ҳаяжонга соладиган бу ҳаяжонни олдий сузалар билан ифодалаб бўлмайдиган воқеалар бошланди. Ўз яқинлари чиқаетганлигини эшитган ота-оналар, ака-укалар, қариндош-урулар мана шу ланг очилган дарвоза яқинида тўпланиб туришганди. Чеҳралар яшнаб кетди. Қўчқлар кенг очилди. Собик маъбуслар уларнинг яқинлари юзларини сенивч ёш-

«ЭНДИ БУ ЕРЛАРГА ҚАЙТИБ КЕЛМАЙМИЗ...»

Сўнг гал собик маъбусларга келди. Уларнинг кўзида қувонч бор эди. Уларнинг юзида сенивч бор эди. Уларнинг юракларида айнан ўша дамларда умид ва нишон қайта тирилганди. Уларнинг ҳар бири қилишларидан афсусда эканлиги, келажакда юртга, шу юрт одамларига садоқат билан хизмат қилиш орқали ўз халқларини ювишлари ҳақида гапирдилар. Фамилиясини сир сақлашни илтимос қилган Оли исмли аёлнинг гаплари киши диққатини тортди.

— Мен осон пул топниш, ишламасдан роҳатга яшаш илжингиздан тийилганда сенивч билан шуқулланганлигини тўғри узоқ муддатли қамқоқ жазосига маъмух этилганман. Шу ерда фарзандим тутилди. Унинг отаси озодликка юрибди. Тўғри, менга қамқоҳонада илқикчи билан муносабатда бўлишди. Би-

роқ озодликка нима етсин! Президентимиз Фармон билан бугун мен бу ердан чиқиб кеттиман. Фақат меҳр ва аёлларга чексиз ҳурмат бўлган мамлакатларгина ҳар қандай шароитда ҳам инсоннинг қадри ерга урилмайди. Эндликда мен фарзандимни қоним билан қилиб тарбиялашни кўнглимга туғиб қўйганман...

Учрашув тугагач, қамқоҳона дарвозалари ланг очилди. Ана шунда кишини ҳаяжонга соладиган бу ҳаяжонни олдий сузалар билан ифодалаб бўлмайдиган воқеалар бошланди. Ўз яқинлари чиқаетганлигини эшитган ота-оналар, ака-укалар, қариндош-урулар мана шу ланг очилган дарвоза яқинида тўпланиб туришганди. Чеҳралар яшнаб кетди. Қўчқлар кенг очилди. Собик маъбуслар уларнинг яқинлари юзларини сенивч ёш-

«Энди фақат тўйларда қуришайлик!» Қандай яхши ният! Бунинг амалга ошиши учун ҳозиргина олмаси бағрига шо-шиланларнинг ҳар бири ҳалол меҳнат қилмоғи, бу ҳёт, бу умр ҳар биримизга фақат бир маротаба берилишини юрак-юракдан англамоғи шарт. Ана шунда ҳеч бир қимсангиз кўнгда ёш, қалбида амал бўлмайди.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Жалқ сўзи» муҳбири.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ. Маданий-маърифий фаолият назарияси, услуби ва уни ташкил қилиш. КУТУБХОНАШУНОСЛИК ВА БИБЛИОГРАФИЯШУНОСЛИК

чора-тадбирлар тизимидир.

Маданий мерос объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш: тарихий-маданий қимматга эга бўлган объектларни давлат ҳисобига олиш ва Маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш; тарихий-маданий экспертизани ўтказиш; маданий мерос объектлари муҳофаза теғраларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш; маданий мерос объектлари жойлашган ерларда ер қозиш, қурилиш, мелiorация, ҳўжалик ишлари ва бошқа ишлари, маданий мерос объектларини асраш бўйича ишларни ўтказиш, шунингдек маданий мерос объектларида тадқиқотлар ўтказиш учун рухсатномалар бериш; алоҳида тартибга солиниши лозим бўлган ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ шахарсозлик фаолияти объектларининг чегараларини белгилаш; муҳофаза белгиларини ўрнатиш; маданий мерос объектлари ҳолатининг мониторингини амалга ошириш; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирлар орқали ҳам таъминланади.

**11-модда. Маданий мерос объектларининг давлат кадастри**  
Маданий мерос объектларининг давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у маданий мерос объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, микдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янги-лабиди туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади.

Маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритишга қуйидагилар қиради:  
маданий мерос объектларига доир мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

8

Маданий мерос объектдан фойдаланишда чеклашни жорий этиш заруриятини юзага келтирган ҳолатлар ёки шарт-шароитлар бартафат этилган тақдирда мазкур объектдан фойдаланиш ҳуқуқи тўла ҳажмда тикланади.

**26-модда. Маданий мерос объектга доир мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши**  
Маданий мерос объектга доир мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ бекор қилиниши мумкин. Хусусий мулкда турган маданий мерос объекти қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда суд қарори билан мулкдордан олиб қўйилиши мумкин.

Умумий мулкда турган маданий мерос объектлари ва уларнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ер участкалари бўлинмайди.

**27-модда. Давлат мулкда турган маданий мерос объектни текин фойдаланишига бериш**  
Давлат мулкда турган маданий мерос объекти текин фойдаланиш шартномаси шартларида қуйидагиларга бериб қўйилиши мумкин:  
маданий мерос объектларини сақлаш мақсадида фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига; болалар жамоат бирлашмаларига; ногиронлар жамоат бирлашмаларига; диний ташкилотларга.

Маданий мерос объектдан текин фойдаланиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади ва у маданий мерос объектни сақлаш бўйича талабларни ўз ичига олган бўлиши керак.

**28-модда. Маданий мерос объектдан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниши**  
Маданий мерос объектдан фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

17

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида

1. УМУМҲИ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**  
Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон халқининг умумий миллий бойлиги бўлиши маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирилар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикасининг 1977 йил 21 декабрда қабул қилинган «Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1977 йил, №35, 563-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1980 йил 28 августда қабул қилинган «Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш ва улардан

23

дек, манзилгоҳлар тарихий тарҳларининг ҳамда уй-иморатларнинг қолдиқлари, ландшафт архитектураси ва боғ-роғ санъати асарлари (боғлар, истирокат боғлари, ҳибоблар, сайилгоҳлар);

**диққатга сазовор жойлар** – инсон ва табиат иходининг умумий мақсули, шунингдек тарихий, археологик, шахарсозлик, эстетик, этнологик ёки антропологик қимматга эга бўлган худудлар, шу жумладан халқ хунармандчилиги масканлари, тарихий манзилгоҳларнинг ёки шахарларнинг тарҳлари ва уй-иморатлари жойлашган марказлар, тарихий (шу жумладан харбий) воқеалар, ёдгорликлар, буюқ тарихий шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ хотира жойлари, табиий ландшафтлар, шунингдек кўна шахарлар, шахристонлар, манзилгоҳлар, қароғоҳларнинг маданий қатламлари, иморатларнинг қолдиқлари, маросимлар бажо этиладиган жойлар.

**4-модда. Маданий мерос объектларини тоифалари**

Маданий мерос объектлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:  
бутун мамлакат тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик тарихий, илмий, меъморий, бадий ва мемориал қимматга эга бўлган республика аҳамиятидаги маданий мерос объектлари;  
вилоят, туман, шахар тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик тарихий, илмий, меъморий, бадий ва мемориал қимматга эга бўлган маҳаллий аҳамиятдаги маданий мерос объектлари.

II. МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУХО- ФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

**5-модда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар**

4

мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи тегишли органининг ҳамда архитектура-шахарсозлик фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви органининг назорати остида ўтказиладиган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш бўйича изчил ва ўзаро боғлиқ тадбирлар тизимидан иборат. Алоҳида тартиб тарихий-меъморий, тарихий-шахарсозлик, архив ва археология тадқиқотлари асосида тарихий манзилгоҳ худуди чегараларида тарихий-маданий қимматга эга бўлган ер участкаларида жойлашган, ҳам сақланиб қолган, ҳам йўқотилган мазкур тарихий манзилгоҳнинг ривожланиш босқичларини кўрсатувчи барча шахарсозлик элементлари ва иншоотларини асослаган ҳолда тарихий-маданий таянч режасини тузиши, бинолар ҳамда иншоотларнинг ўлчамлари ва нисбатларига, автомобиллар турадиган жойларни, рекламалар ва лавҳаларни жойлаштиришни таққиллаш ва чеклашларга ҳамда маданий мерос объектларини сақлаш учун зарур бўлган бошқа чеклашларга тааллуқли шахарсозлик регламентини ўз ичига олади.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**34-модда. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг молиялаштирилиши**

Маданий мерос объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни молиялаштириш манбалари давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардир.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши ва улардан фойдаланиши мулкдорлар ва фой-

21

ний мерос объектларининг давлат кадастрига киритилиши тўғрисидаги масала ҳал қилинганга қадар ушбу Қонун талабларига мувофиқ муҳофаза қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик аниқланган маданий мерос объектларининг мулкдорини мазкур объект Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида хабардор қилиши шарт.

**13-модда. Маданий мерос объектларининг паспорти**

Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилган маданий мерос объектга маданий мерос объектларининг паспорти берилиб, унга мазкур маданий мерос объектини муҳофаза қилиш мазмунидан иборат маълумотлар ва объектнинг тавсифлари киритилади.

**14-модда. Маданий мерос объектларини Маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқариш**

Маданий мерос объектларини Маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқариш, агар объект жисман тўла йўқотилган бўлса ёки маданий мерос объекти сифатидаги ўз қимматини йўқотган бўлса, тарихий-маданий экспертиза хулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик томонидан амалга оширилади.

Маданий мерос объектларини Маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқариш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**15-модда. Тарихий-маданий экспертиза**

Тарихий-маданий экспертиза: маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилиши асослаш;

10

Археология ёдгорликларини тадқиқ этиётган шахслар уларнинг бошланғич консервация қилиниши ва асралишини таъминлашлари шарт.

Қазиш ва қидириш ишлари тугатилгандан кейин, лекин рухсатномаларнинг амал қилиш муддатлари ўтмасидан олдин, археология ёдгорликларини тадқиқ этиётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазириликка ҳисобот тақдим этишлари ҳамда қазиш ва қидириш натижасида топилган ҳамда тарихий, илмий, маданий ёки ўзгача қимматга эга бўлган ашёларни белгиланган тартибда давлатга топширишлари шарт.

V. МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ

**23-модда. Маданий мерос объектларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишининг ўзига хос жиҳатлари**

Маданий мерос объектларини мулкдорни ўзига қарашли бўлган маданий мерос объекти йўқотилса унинг ўрни тўлдириб бўлинмаслигини ҳамда унинг тарихий, маданий ёки илмий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, уни сақлаб туриш вазифасини зиммасига олади.

Маданий мерос объектлари жойлашган ер участкаларининг эгалари (мулкдорлари) зиммасига мазкур объектларни сақлаб туриш вазифаси, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар юклатилиши мумкин.

Маданий мерос объектларининг ижараси ижара шартномаси асосида амалга оширилиб, унда маданий мерос объектларини сақлаш талаблари қайд этилган бўлиши керак.

Давлат мулкда турган маданий мерос объектла-

15

ни амалга оширади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазириликнинг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик:  
юридик ва жисмоний шахслар томонидан маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади;

маданий мерос объектларини тадқиқ этиш, консервациялаш, таъмирлаш ҳамда ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш бўйича давлат дастурларини амалга оширади;

маданий мерос объектларининг аниқлиниши, ҳисобга олиниши, муҳофаза қилиниши, тарғиб қилиниши ва улардан фойдаланилишини таъминлайди;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш;

маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизасини ташкил этиш ва амалга оширади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Бош архив бошқармасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

6

шу теградда жойлашган ёдгорликлар ва ансамбллар билан биргаликда тарихий-маданий қўриқхона ҳисобланиб, унда алоҳида тартиб ўрнатилади. Бу тартиб маданий мерос объектлари теварақ атрофидаги тарихий муҳит билан бирга асралишини, тарихий-маданий қўриқхона худудининг яхлитлигини, шунингдек мазкур худуд чегараларида қурилиш ва ҳўжалик фаолияти тартибга солиб турилишини таъминлайди.

Тарихий-маданий қўриқхона ва у билан боғлиқ табиий ландшафт таркибига кирувчи маданий мерос объектларида музейлар яратилса, шунингдек тарихий-маданий қўриқхона худудида илгари удум бўлган аънанавий ҳўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни тиклаш зарурати туғилса, мазкур тарихий-маданий қўриқхона музей-қўриқхона деб ҳисобланади.

**31-модда. Тарихий-маданий қўриқхона ва музей-қўриқхона чегараси**

Тарихий-маданий қўриқхона ва музей-қўриқхона чегараси Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик томонидан тарихий-маданий режа ва (ёки) тарихий-маданий қўриқхона ҳамда музей қўриқхонанинг таққил қилинаётган чегарасини асослаб берувчи бошқа материаллар асосида аниқланади.

Тарихий-маданий қўриқхона ва музей-қўриқхона чегараси диққатга сазовор жойнинг чегарасига тўғри келмаслиги мумкин.

**32-модда. Тарихий манзилгоҳ**

Тарихий манзилгоҳ дейилганда унинг худуди доирасида ўтмишда яратилган, тарихий, эстетик, ижтимоий-маданий, археологик, меъморий ёки шахарсозлик қимматига эга бўлган ва халқнинг ўзига хослигини, унинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини сақлаб қолиш учун муҳим аҳамиятга молик

19

қўриқланадиган теғралар

Маданий мерос объектларининг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадида унга тўташ худудда муҳофаза теғралари, иморатлар қуриш ва ҳўжалик фаолиятини тартибга солиш теғралари, қўриқланадиган табиий ландшафт теғралари белгилаб қўйилади.

Муҳофаза теғралари, иморатлар қуриш ва ҳўжалик фаолиятини тартибга солиш теғралари ҳамда қўриқланадиган табиий ландшафт теғраларининг чегаралари ва уларни сақлаш тартиботлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**18-модда. Маданий мерос объектларининг ҳолати устидан назорат**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик, маҳаллий давлат ҳокимият органилари Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилган маданий мерос объектлари ҳолатини назорат қилиб туришга мажбуриятлар ҳамда мазкур маданий мерос объектларининг асралиши юзасида мажбурий ва истиқбол дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида беш йилда бир марта маданий мерос объектларининг ҳолатини қўриқдан ўтказишлари ва қайд этиб қўйишлари шарт.

**19-модда. Маданий мерос объектларини Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш**

Тарих, санъат, фан, эстетика, этнология ёки антропология нуқтаи назаридан ҳар томонлама беқийс қимматга эга бўлган маданий мерос объектлари Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияда белгиланган тартибда Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилиши йўли билан жаҳон маданий мероси объект-

12

лари жумласига киритилиши мумкин.

Тарихий-маданий экспертизанинг хулосаси асосида маданий мерос объектларини Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш тўғрисидаги таққиллар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хузуридаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича умумжаҳон мероси қўмитаси (ЮНЕСКО) талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиясига юборилади.

IV. МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ АСРАШ

**20-модда. Маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирлари**

Маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирлари консервациялаш, тузатиш, таъмирлаш ва ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштиришни, шунингдек ана шулар билан боғлиқ илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш ишларини ўз ичига олади.

Маданий мерос объектларини консервациялаш – маданий мерос объектларини мавжуд қўрилишида асраш ва объект ҳолатининг ёмонлашуви олдини олиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқот, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Маданий мерос объектларини тузатиш – маданий мерос объектларининг муҳофаза мазмунини ташкил этувчи ўзига хос хусусиятларини ўзгартирмаган ҳолда объектни фойдаланиш ҳолатида сақлаб туриш мақсадидаги ўтказиладиган тадқиқот, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Маданий мерос объектларини таъмирлаш – маданий мерос объектларининг эстетик ва тарихий қимма-

13

**Маминов ҳам ёрдам беролмади**  
Жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг иккинчи босқичида иштирок этиётган Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳлардан бирини меҳмонда – Хитой чарм тўп усталирига қарши ўтказди. Айтиш мумкинки, йўлтигари мизнинг сўнгги ўйинидаги йирик ғалабаси, таркибга В.Маминовнинг қўшилиши муҳлис-ларда катта умид уйғотганди. Аммо Шэньян шаҳрида 80 минг иштирокчида бўлиб ўтган баҳсда Владимир ҳам терма жамоамизга ёрдам бера олмади. Иккинчи бўлимда меҳмонлар томонидан киритилган икки тўп ўйин таққилларини ҳал қилди. Бу ғалаба балки гуруҳда ягона пешқа-

**Илмий-амалий семинар**  
Академик В.Воҳидов номдаги республика Хирургия илмий маркази ташкил этиётган бундай ўқишлар нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё ва Кавказнинг республикалари олимларининг йирик мутахассисларини ҳам ўзига жалб этмоқда. Тиббиёт соҳасидаги бундай ҳамкорлик инсоният учун жуда зарурлиги эса оддий ҳақиқат. Жиззахда ўтказилган бу

**Жиззахда «Воҳидов ўқишлари – 2001»**  
сан житарда учрайдиган эхноккокк (жигарнинг қўртла) хасталигини хирургик усулда даволаш, касаллик диагностикаси, беморларни замонавий даволаш усуллари, янги технологиялар хузурида фикр алмашдилар. Маърузалар ва амалий машғулотларда касал-

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси комиссия аъзоси Ҳамрохон Холмирзаева Ҳокимият-товога онаси  
**Баҳронов ая Жўрабоевнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиди.

**«ЖАЛҚ СҮЗИ»**  
НАРОДНОЕ СЛОВО  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ  
Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб – «Жалқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб – «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари – «Жалқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Ҳоҷоёров, И. Шогўломов, О. Қаннибергенов (бош муҳаррир уринбосари – «Народное слово»), У. Ҳошимов.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўттиз тартиб № 00001  
Бюджетга 1 – 2015. 20197 ҳиссада босқили, ҳажми – 2 тўбук. Объетт усулда босқилинган.  
Котоз бичими А-2  
Газета IBM компьютерлар терлида ва операторлар Жамид ТОНАЕВ ва Зокир Ёлғасев томонидан саққилланади.  
Таҳриратдаги ҳажми 5 қонунда зид таққиллар қабул қилинмайди.  
[ ] Тўжорат материалди

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб – Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир – Н. Топшев.  
Навбатчи – А. Сағторов.  
Мусаҳҳах – Ш. Манрабаев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Босинга топшириш вақти – 21.00 топширилади: 20.30 1 2 3 4 5 6